



Президентимиз Республика тарихчи олимлари олдига она юртимиз тарихи билан бирга жахон тарихи муаммоларини ҳам ўрганиш вазифасини кўйдилар. «Хозирги ёшларда ва келгуси авлодда ўз давлати ҳамда халкининг тарихини шакл-шубхасиз билиши билан бир каторда жахон тарихи ютуқларини чуқур ўрганиш заруратини тушунтириш ва англаш хиссини тарбиялаш лозим»- деган эдилар юртбошимиз.

Маълумки, 130 йиллик тарихимиз Россия халклари тарихи билан боглик. Аввал Чор Россияси мустамлакачилиги (1867-1917), кейин эса Шўро истибдоди (1917-1991) даврида юртимиз тарихи мураккаб, огир, зиддиятли даврларни бошидан кечирди. Айниқса, Шўро ҳукуматининг дастлабки ўн йилликлар тарихи Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида (МДХ) ҳам, узок хорижда ҳам жуда катта мунозараларга сабаб бўлмокда. Мазкур маколада Совет Россиясида 1918-1920 йиллардаги чет эл интервенцияси ва фукаролар уруши туфайли рўй берган «мухожирлик тўлкини» тарихи хақида бир қадар фикр юритилади.

Ушбу масалага рус тарихчилари XX аср 80-йиллариданок жиддий қарадилар. Лекин ханузгача бу йўналишда мунозаралар давом этмокда. Зероки, президентимиз: «Факат бахс, мунозара тахлили меваси бўлган ҳулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»-деб таъкидлаган эдилар.

Совет тарихий адабиётларида 1918-1920 йиллар «Фукаролар уруши ва чет эл интервенцияси даври» деб юритилади. Совет ҳукуматиға қарши қураш Россия марказий районларида 1920 йил охириға қадар давом этган бўлса (1920 йил 15 декабрда большевикларнинг матбуот органи «Правда» саҳифаларида фукаролар урушининг сўнгги хабарлари босилган) Туркистон ўлкасида эса бу қураш 1930 йиллар иккинчи ярмиға қадар чўзилган.

Совет тузуми мавжуд бўлган дастлабки қунарданок ижтимоий гуруҳлар орасида дискриминация (ажратиб қўйиш) сиёсати юритилди. Дастлаб ишчи ва дехқонлар жамиятнинг бошқа гуруҳлариға қарши қилиб қўйилди. 1918 йилдаги «ҳарбий коммунизм» сиёсати эса ишчи ва дехқонларни ҳам бир-биридан ажратди. Охир-оқибатда «Тинчлик!» шиорини дастак қилиб ҳокимиятға қелган большевиклар миллионлаб қурбонларға сабаб бўладиган янги урушларни бошлаб юборишди.

Россия марказий районларида ва қўплаб ҳудудларида Юденич, Деникин, Колчак, Врангель, атаман Дутов, Семёнов қаби қўплаб собик Чор Россияси генерал ва зобитлари большевизмни ағдариб ташлаш учун қураш майдониға қирдилар. Туркистонда ҳам мустақиллик ва озодлик учун қураш авж олди. Лекин советлар билан қураш натижалари барчаға аён. Совет ҳукумати ҳар қандай чоралар билан бўлсада ўзини сақлаб қолишға

уринди. Айни шу даврда Туркистон ва Кавказортидаги мустакил давлатлар тугатилди. Мағлуб бўлганларнинг сони эса оз эмасди. Улар ҳам миллионлаб нуфузни ташкил этар, энди улар олдида факат битта йўл: хорижий мамлакатларга кетиб жон саклашгина колганди, холос. Яъни, минг-минглаб кишилар мамлакатдан чикиб кетишга мажбур бўлгандилар.

Совет тарихий адабиётларида турли харбий гуруҳларда туриб, большевизмга карши кураш олиб борган, сиёсий мухолифатда бўлган, чет элга чикиб кетганлар «ок мухожирлар» деб номланади.

1917 йил кузида совет ҳокимияти ўрнатилган даврда йирик фабрика ва заводларнинг хўжайинлари (капиталистлар), катта ер эгалари (помешчиклар) «сиёсий мухожир» сифатида хорижий мамлакатларга ўтиб яшай бошладилар. Лекин, Совет Россиясидаги оммавий мухожирлик тўлкини XX аср 20-йилларига тўғри келади. Мухожирликка мажбур бўлганлар ижтимоий таркиби жихатдан турли-туман бўлиб: юкори чиндаги харбийлар, зобитлар ва юнкерлар, зиёли ва талабалар, казаклар ҳамда дехконлардан иборат эди.

Совет Россияси худудидан чикиб кетиш жараёни, яъни «ок мухожирлар»нинг ўзга мамлакатларга ўтиши бир неча йўналишларда рўй берган.

Биринчи йўл-Болтикбўйи республикалари: Литва, Латвия, Эстония ҳамда Финляндия оркали ўтган.

Иккинчи йўл-Польша оркали ўтиб, кейин эса Германия, Бельгия, Франция мамлакатларига таркалиб кетиш учун имкониятлар тугилган.

Учинчи йўл-Туркия оркали (асосан Истамбул) ўтиб, «ок мухожирлар» аста-секин Болкон мамлакатлари, Чехославакия ва Францияга таркалишган. Истамбул оркали фукаролар уруши йилларида жами 300 минг мухожирлар хорижга ўтган. Крим ярим оролида Врангель армияси тор-мор килинганидан кейин, 1920 йилнинг ноябр ойида беш кун ичида (1920 йил 16-21 ноябрь) Кримдан Истамбулга 150 минг рус мухожири келади. Улардан 70 минги Врангель армиясидаги солдат ва зобитлар бўлган. «Ок мухожирлар» орасида зиёли ва талабалар, оддий кочоклар, у ёки бу харбий қисмларда иштирок қилган дехконлар ҳам анчагина салмокни ташкил этарди. Улар хорижга ўтганидан кейин бир оз вақт ўтиб айримлари Совет Россиясига қайтишган. Лекин Ватанларига қайтганларнинг ахволи фожиали тугаганидан гувоҳ бўлишгач, кўплар такдирга тан беришди.

Туркияда тўпланган мухожирлар тирикчилик илинжида турли машгулотлар билан шугулланишди. Бирок оз сонли кишилар ўзига иш топа олди. Истамбул бозорида «ок мухожирлар» ўзлари билан бирга олиб борган никоҳ узуги, оёқ кийими, бошмок, кимматбаҳо олтин занжир, осори-атикалар, черкас ва Кавказ ханжарлари, Врангель червонецлари (Врангель пуллари Англияда зарб қилиниб муомалага киритилмаган эди), сунъий сочлар, банка ва идиш кабиларни сотиб кун кўришган. Кашшоклашган мухожирлар ўғрилиқ, бировларни тунаш, аёллар эса ўз йўлидан чиқишгача боришган. «Ок мухожирлар»нинг матбуот органларидан бирида рус аёлларидан 2,5 минг нафари Истамбулда фохишабозлик билан шугулланганлиги ёзилганди. Врангель армиясидаги юкори чиндаги зобитлар ўзлари билан хорижга 24 яшиқ олтин ва бриллиант буюмлар олиб ўтганлиги, иккинчи жаҳон уруши йилларида бу бойликдан Совет Иттифокига карши курашда фойдаланишга уринилганлиги билан боглик маълумотлар кейинги тадқиқотларда ёзилапти.

Тўртинчи йўл-Хитой йўналишида бўлиб, асосан Маньжурияга адмирал Колчак, генерал Капел, атаман Семёнов билан жанг қилганлар ўтишган. XX аср 20-йилларида биргина

Маньжурияда 100 минг руслар яшаган. Япония шаҳарларида ҳам «ок мухожирлар» истикомат киларди. Маълумки, 1923 йил 1-2 сентябрда Япония тирихида дахшатли зилзила бўлган. Ер силкиниши оқибатида минг-минглаб кишилар ҳаётдан кўз юмган. «Якогама шаҳрида зилзила бўлгон вақтда рус аксилинкилобчилардан атаман Семёнов бутун тарафдорлари билан ҳалок бўлгон. Меркулов ҳам ҳалок бўлгондур, деб гумон қилинадур», -каби фикрлар келтирилади «Бухоро ахбори» газетасида.

Милюковнинг маълумотида, тўрт йўналиш орқали хорижга кўчган рус мухожирлари 1924 йилга келиб 25 та мамлакатда яшарди. Рус мухожирларининг сони билан боғлиқ маълумотлар ҳам бир хил бўлмай, адабиётларда турлича рақамлар келтирилади. «Ок мухожирлар» ҳеч қачон бир мамлакатда муқим яшаб қолмаганлар. Аввало, Совет ҳукуматига қарши уруш ҳолатида бўлган давлатларга бориб жойлашганлар кўпчиликини ташкил этар эди. Иккинчидан эса иш жойига эга бўлишга ҳам интилиш мамлакатларни алмаштириб туришни тақозо қиларди. Г.Ф.Барихновский В.И.Лениннинг Коминтернинг учинчи конгресси (1919 йил март) ва РКП (б)нинг X съездидаги (1921 йил март) нутқларида «ок мухожирлар» сони 700 минг кишини ташкил қилиши билан боғлиқ фикрларни келтиради. Бу рақам асосан Европа қитъасидаги рус мухожирларига тегишли бўлиб, Хитой, Мўғилистон, Туркия, кейинчалик АҚШ, Канада, Австралия ҳатто Мадагаскар давлатларидаги руслар бу ҳисобга қиритилмаган.

Дамашқдаги (Сурия) «Рус адабий ҷамияти» маълумотида, 1923 йилда 991 минг, 1927 йилда «Халқаро меҳнат бюросини бўлими» хабарига эса 919 минг рус мухожирлари Европа ва Шарқ мамлакатларида истикомат қилганлар.

Бу маълумотлар тўлиқ бўлмай, 800 минг, 1,5 миллион, 1 млн. 946 минг, 2 млн.дан ортиқ каби рақамлар ҳам манбаларда қайд қилинади.

Рус мухожирларининг даврий матбуоти ҳисобланган «Умум иши» («Общее дело») газетаси хориждаги руслар 1 млнга. яқин деб ёзса, «Россия эрки» («Воля России») эса 1 миллион 875 минг киши атрофида деб хабар беради. Бу масалага тадқиқотчи М.Ю. Мухачев яқун ясаб XX аср 20-йиллари бошида хорижда 2 миллионга яқин рус мухожирлари яшаганлиги тўғрисидаги ҳулосага келади.

Рус мухожирлигининг марказларидан бири Германия давлати бўлган, АҚШдаги «Кизил яримой ҷамияти» ҳисоб-қитобига, 1920 йилда Германиядаги рус мухожирларининг сони 560 минг киши эди. 1921 йил 450 минг, 1922 йил 600 минг, 1923 йил 400 минг, 1924 йил 500 минг, 1925 йил 250 минг, 1928 йил 150 минг, 1934 йил 50 минг Россиянинг собиқ фуқаролари Германияда яшашган. Юқоридаги рақамлардан 1920 йилларнинг ярмига келиб «ок мухожирлар» Германиядан бошқа мамлакатларга кўчиш жараёнига гувоҳ бўламиз. Ўзбек ватандошларимиз «Хотиралари»да ҳам рус мухожирлари Германияда кўпчиликини ташкил қилганлиги айтилади. Маълумки, 1922 йилда Туркистондан Германияга 70 нафардан ортиқ ўзбек ёшлари илм олиш учун юборилади.

Мустамлакачилик руҳи қон-қонига синган рус мухожирлари ватандошларимизга нисбатан паст назар билан қарашган. Мухожир ўзбек Вали Каюмхоннинг ёзишича, Германияга ўқиш учун қолган ўзбек ёшларини улар «Бир гуруҳ ҳўқиз ва чўққалар Туркистондан Олмонияга ўқиш учун қелишди», деб ҳақоратомуз қаршилашган. Ёки Заки Валидий Тўгоннинг (1890-1970) ёзишича, Францияда мухожирликда бўлган Мустафо Чўқай (1890-1941) турмуши оғирлиги учун рус мухожирлари газеталарига мақола ёзиб қол қўрарди. Керенский ва Милютин қабила қолни ўз йиғилишларида иштирок этиб, оёқда туришига эътиборсиз қарашган. XX аср 20-йилларининг ўрталарида рус мухожирларининг оммавий равишда Францияга қўчиб ўтиши қўй берган. 1925-1926

йилларда Франциядаги мухожирлар сони 400минг кишидан ошган эди. «Ок мухожирлар»нинг сиёсий маркази Франция пойтахти Париж шаҳри бўлган. Парижда 100 минг рус, украин, белорус мухожирлари яшаган.

1921 йилда Югославияда 30 минг, Болгарияда 35 минг, Польшада 200 минг, АКШда 30 минг рус мухожирлари бор эди. Юкоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики XX аср 20-йилларида рус мухожирлари яшаётган мамлакатлар асосан-Франция, Германия, Польша, Югославия, Болгария, Болтикбўйи, Туркия, АКШ ва Хитой мамлакатлари бўлган. Совет жамиятида XX аср 20-йиллари бошида дахшатли очарчилик бўлиб, 25 млн.га якин киши очлик гирдобидида қолган. Айниқса марказий районларда миллионлаб кишилар ҳалокат ёқасига келиб қолишган. Совет ҳукумати очликнинг олдини олиш байроғи остида черковлардаги асрлар бўйи асраб келинаётган осори-атикаларни талади, В.И.Лениннинг «қиска муддат ичида ўнлаб йиллар мобайнида қаршилик кўрсатишни ҳаёлларига ҳам келтирмайдиган қилиб черковга зарба бериш» тўғрисидаги кўрсатмасидан келиб чиқиб, 1920-1922 йилларда 40 минг рухоний, дьякон, рохиблар отилди ва азоблаб ўлдирилди, 100 минг ҳудожўй тутқунликка маҳкум этилди. 1922 йилда рус патриархи Тихон қамолқа олинди, 32 митрополит ва архиепископ қийнаб ўлдирилди. Черковнинг 2,5 миллиард сўмлик осори-атикалари таланди. Кўпгина диндор ва рухонийлар бу ваҳшийликдан қочиб, хориждаги ватандошлари сафини тўлдирди. «Ок мухожирлар» деганда факат рус миллати вакиллари қамолқа эмас, балки украин ва беларуслар, ҳарбий ҳаракатларда иштирок қилган Кавказорти, Шимолий Кавказ миллати вакиллари қамолқа олиш қарар. Масалан, Украин миллатига қамолқа мухожирлар маркази қамолқа Польшада, Чехославакия, Германия давлатлари бўлган. Парижда (Франция) эса қейинчалик С.Петлюра бошчилигида Украин Миллий Радаси (Қенгаш) тузилган. Истамбулда (Туркия) «Шимолий Кавказни озод қилиш қомитети» ташкил тоқадди.

Хорижий мамлакатлардаги рус мухожирлари ўзларининг ижтимоий,сиёсий,ҳарбий ташкилотларига асос қолдилар. Рус ҳарбий генераллари ва вақтлий ҳукуматнинг собиқ дипломатлари ташаббуси билан «Элчилар қенгаш» ташкилоти тузилди. Нью-Йорқда (АКШ) «Рус озодлик қўмитаси» Берлинда (Германия) «Рус йигини» қабилар фаолият қўрсатди.

Рус мухожирларининг Россияда монархия тартибини тиклашга йўналтирилган ташкилотлари қўп қолди эди, 1922 йилда хорижда мухожирларнинг 85 монархиячи уюшмаси бўлиб, улар Романовлар сулоласи ҳуқуқронлигини қайта тиклаш мақсадида қолдилар. 1923 йилда Европадаги 128 монархиячи рус уюшмаларидан 108 таси Н.Н. Романов, 20 таси эса К.В.Романов қомзодини бўлажак Россия қолшоқи деб ҳисобқолди. «Қонстутциячилар» қамолқа олиб қолган «Рус адвокатлар уюшмаси», «Маъмурий ва сиёсий арбоблар уюшмаси», қадетларнинг «Халқ озодлиғи», эсерларнинг «Социалист-инқилобчилар», меншевикларнинг «Социал-демократлар» қабил уюшмалари қамолқа бор эди. Рус мухожирлари ўнлаб хорижий мамлакатларда ўз қамолқа органларига асос қолдилар. Қумладан, «Иққи қолқи бургут» (1922 йил Берлин, муҳаррири Н.Е.Марқов), «Инқилобий Россия» (1921 йил Ревел, 1922 йил Берлин, 1923 йил Прага, муҳаррири В. Чернов) «Россия овози»(1921 йил, Париж, муҳаррири П.Н.Милқов), «Рус иши», «Русь», «Рус фикри», «Янқи қамолқа», «Ўйқониш» қабиларини қамолқа ўтиш қумқин. Қуллас, 1917-1920 йиллардаги хорижда мухожирларнинг 194 та рус қилида, 104 та Россия халқларининг қолқа миллий қилларидаги нашрлари бўлган. 1918-1920 йилларда мухожирликка қетганлар сақига қейинқи тарихий даврларда: 1929-1932 йиллардаги қишлоқ ҳўжалигини ёппасига қамоллаштиришга қарқи қикқанлар, 1939-1945 йилларда

иккинчи жахон урушида асир олинганлар келиб қўшилди. 1917-1920 йилларда мухожирлар билан «Совет мухожирлари» (1939-1945 йиллар) ўртасида ўзаро зиддият ва ишончсизлик мавжуд эди. Совет ҳукумати тоталитар бошқарув тизимини ўрнатиш ва сақлаб қолиш йўлида миллионлаб инсонларни ўз ватанидан ажралишига сабабчи бўлди. Бу эса дунё мухожирлиги тарихида энг катта ижтимоий тўлқинларни келтириб чиқарди. Натижада хорижда яшашга мажбур қилинган миллионлаб кишилар тарихий Ватанларига қайтиш орзусида армон билан ҳаётдан кўз юмдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И. А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент. Ўзбекистон. 1998 йил.
2. Аҳмад Закий Валидий Тўгон, Бўлинганни бўри ер. Тошкент. Адолат – 1997 йил.
3. Аҳмад Закий Валидий «Хотиралар» «Шарк юлдузи», 1993 йил, 4-5, 6-7, 8-9 сонлари.
4. Барихновский Г.Ф. Идеино-политический крах белоэмиграции и разгром внутренней контрреволюций (1921-1924) Ленинград, 1978 год. стр. 5-19
5. Вали Каюмхон. «Тарих тилга кирганда». «Эрк» газетаси, 1990 йил, 16, 17-18 сонлари.
6. Вали Каюмхон. «Қийратилган қисматлар» (Олмонияда таълим олган туркистонликларлар такдири) «Ўзбекистон адабиёти» ва санъати газетаси. 1922 йил 24 апрель.
7. Мухачев Ю.В. Идеино-политическое банкротство планов буржуазного реставраторства в СССР, Москва. «Мисл», 1982 год
8. Шкаренков Л.К. Агония белой эмиграции (изд. третье) Москва. «Мисл». 1987 год.
9. «Бухоро ахбори» газетаси, 1923 йил, 14 сентябрь, 201-сон.

Ш.А.Хайитов-БухДУ, Жахон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.